

Бошқача бўлинг!



09:00 / 14.11.2023 2703

1800 йилда Наполеон Бонапарт ўз қўшини билан Алп тоғлари оша Италияга юриш қилмоқчи бўлди. Қўшиндаги генераллари унга ҳозир Алпдан ўтадиган пайт эмаслигини, бироз кутиш шартлигини маслаҳат беришди.

Наполеон уларга деди:

- Аммо кутиш ғалаба фурсатини қўлдан чиқаради!

Генераллар сўрашди:

- Алп тоғларичи?

Наполеон деди:

- Наполеон бошқарадиган қўшин олдида Алп тоғлари йўқдай гап!

Наполеон отига миниб қўшиннинг олдига тушди. У қўшини билан беҳад қийинчилик ва чексиз тўсиқларни енгиб ўтди. Италияга тўсатдан ҳужум қилиб уни мағлубиятга учратди!

Кутилган инсон бўлмаг. Келажакдаги режалари ҳаммага маълум инсонлар аксар ҳолатда кўзлаган мақсадларига ета олишмайди. Чунки тўсатдан, кутилмаганда иш қилишда гап кўп. Сийрат китобларида тўсатдан, ҳеч кимга билдирмай қилинган ишларга мисол тиқилиб ётибди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир иш қилсалар тўсатдан, кутилмаганда қилишга ҳаракат қилар эдилар. Шунинг учун доимо бошқалардан бир қадам олдинда эдилар. Ҳижратга чиққанларида Мадина томон борадиган одатий йўлдан юрмадилар. Ғазотларга чиқсалар кутилмаганда, қаерга бораётганларини айтмасдан чиқар эдилар. Шунинг учун аксар ғазотларида ғалабага эришар эдилар. Зарар оз бўлар эди!

Иш фақат урушга боғлиқ эмас эди. Ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам шу услубни тутар эдилар.

Завжангизга тўсатдан совғалар беринг. Қилинадиган одатий ишлар инсонни зериктиради. Зерикиш эса қотилдир!

Ишингизни реклама қиласизми ёки ширкатингизними, ўзгалардан ажралиб турунг. Кичкинагина янгилик катта ўзгаришларга сабаб бўлиши, ширкатингиз томон кўп инсонларни жалб қилиши мумкин!

Иш фақатгина пулга ёки мижозларни жалб қилишга боғлиқ эмас. Ҳатто кадриятлар ва асосларга ҳам боғлиқ. Нодирлик кишиларни жалб қилади!

Бир даъватчини биламан. Ким билан кўришса чўнтагидан хушбўйлик чиқариб суҳбатдошининг қўлига суртиб қўяди.

Яна бир эшон бобони биламан. Ким билан кўришсалар унга ширинлик улашадилар. У киши етиштирган тут дарахти кирмаган хонадон камдан-кам бўлса керак. Ҳар йили минглаб дарахтларни бепул тарқатадилар.

Араб диёрида бир шифокор беморларига ташхис қўйиб дори-дармонларни ёзиб бергач, қоғоз остига қуйидагиларни ҳам ёзиб қўяр экан:

- 1. Мен оддий сабабчиман холос. Шифо бергувчи Аллоҳдир!*
- 2. Рўйхатдаги дориларни сотиб олинг. Билингки, Аллоҳ дори билан ҳам, дорисиз ҳам шифо бериши мумкин.*
- 3. Дардингиздан савоб умид қилинг. Мўъминнинг танасига кирган оддий тикан учун ҳам Аллоҳ унга ажр беради!*

Бу нарсаларни ҳаммамиз биламиз. Аммо одатий бўлмагани учун эътиборимизни тортади!

Абдулқодир Полвонов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.